

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК: 332.146:330.322 (575.1)

ОДИЛБЕКОВ ХУШНИДДИН ОДИЛБЕК ЎҒЛИ

**Худудларда инвестицион жозибадорликни ошириш орқали
хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш**

5А 230103 – “Макроиктисодиёт”

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. М.С.Қосимов

Диссертацияда инвестиция муҳитининг омиллари, хусусиятлари, хорижий инвестицияларни жалб қилиш миллий иқтисодийнинг халқаро индексларда иштирокига бевосита боғлиқлиги, ўзлаштирилган хорижий инвестициялар динамикаси тадқиқ қилинган. ҳудуд инвестиция салоҳияти ва уни ривожлантириш омиллари, кўрсаткичлари ҳамда уни аниқлаш усуллари келтирилган. Шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштиришга қаратилган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

The dissertation examined the factors of the investment climate, the attraction of foreign investments, the direct connection between the participation of the national economy in international indicators, and the factors, indicators and methods for determining the investment potential of a region are considered. And also offers measures to improve the investment climate of Uzbekistan and recommendations to increase the attractiveness of foreign investment.

В диссертации рассмотрены факторы инвестиционного климата, привлечение иностранных инвестиций, прямая связь между участием национальной экономики в международных показателях, рассмотрены факторы, показатели и методы определения инвестиционного потенциала региона. А также предлагаются мероприятия по совершенствованию инвестиционного климата Узбекистана и рекомендациями по повышению привлекательности иностранных инвестиций.

Магистрлик диссертация иши “Макроиктисодиёт” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

8 - сонли баённома «31» май 2019 йил

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. М.С.Қосимов  «31» 06 2019 йил

Магистрант: Х.О.Одилбеков  «31» 06 2019 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИКНИ ОШИРИШ ОРҚАЛИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	7
1.1. Инвестиция муҳитини белгиловчи омиллар ва ҳудудлар иктисодиётига хорижий инвестицияларини жалб этиш асослари.....	7
1.2. Инвестицион жозибадорлик ва уни ошириш зарурияти.....	18
1.3. Мамлакатда инвестицион жозибадорликни ҳисоблаш усуллари...24	
1-боб бўйича қисқача хулоса.....	29
II БОБ. ҲУДУДЛАРДА ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИКНИ ОШИРИШ ОРҚАЛИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.....	30
2.1. Ўзбекистон Республикаси инвестиция сиёсатининг асосий кўрсаткичлари таҳлили	30
2.2. Ҳудудларда инвестицион фаоллик ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳолати таҳлили.....	36
2.3. Тошкент шаҳрида хорижий инвестицияларни жалб этиш ва инвестицион жозибадорлик ҳолати таҳлили.....	43
2.4. Инвестицион жозибадорлик ва хорижий инвестицияларни жалб этиш кўрсаткичларининг эконометрик таҳлили.....	48
2-боб бўйича қисқача хулоса.....	55
III БОБ. ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИКНИ ОШИРИШ ОРҚАЛИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.	57
3.1. Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини такомиллаштириш йўллари.....	57
3.2. Тошкент шаҳрида инвестиция имкониятларини ўрганиш ва мавжуд захираларга хорижий инвестицияларни жалб этиш йўллари.....	62
3-боб бўйича қисқача хулоса.....	71
ХУЛОСА.....	73
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	75

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Мамлакатимизда 2019 йилни “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб номланиши ҳам чуқур маъно касб этади. Сабаби инвестицияларни жалб этмасдан туриб, иктисодиётда мавжуд бўлган капитал эҳтиёжини кондириб бўлмайди. Шундай экан, инвестицион фаолиятни самарали ишлаши учун қулай муҳитни яратиш, унинг мураккаблик жиҳатларини юмшатишга қаратилган сиёсатни амалга ошириш долзарблик касб этади. Бу борада, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев қуйидагиларни таъкидлади “Жаҳон тажрибаси шунки кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иктисодиётининг барқарор ўсишига эришган”¹.

Ҳозирги шароитда барқарор ва самарали фаолият олиб борадиган иктисодий жараёнларни таъминлаш замонавий иктисодий-ижтимоий муносабатлар моделини ўзида акс эттиради. Жумладан, иктисодий ўсишнинг молиявий омиллари қаторида асосий кўрсаткич сифатида инвестицион фаолиятни қайд этишимиз мумкин.

Замонавий шароитда эса, инвестицион потенциал инобатга олинган ҳолда инвестицион жозибадорликни вужудга келтириш муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Инвестицион жозибадорлик микро (худуд, корхона) ва макро (мамлакат) даражада назарий асосларининг тадқиқ этилиши ўзига хос хусусиятга эга ҳисобланади.

Тадқиқот объекти – иктисодиёт тармоқлари ва худудлари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети – давлатнинг инвестиция сиёсати ва унинг механизми ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистон иктисодиётига инвестицияларни киритишнинг илмий-услубий асосларини тадқиқ этиш асосида худудларга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабр <https://president.uz/uz/lists/view/2228>